IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

1-БЎЛИМ. АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 343,1 трлн сўм ўзлаштирилган бўлиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 131,0 % ни ташкил этди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръати
(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун)

131,0 %
Жами асосий капиталга инвестициялар ҳисобидан
343,1 трлн сўм

147,5 %
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан
100,9 трлн сўм

175,7 %
Кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан
112,1 трлн сўм

100,7 %
Корхона маблағи ҳисобидан
62,4 трлн сўм

73,6 %
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан
8,1 трлн сўм

105,1 %
Аҳоли маблағлари ҳисобидан
22,7 трлн сўм

139,6 %
Ўз.Р. кафолати остида хорижий кредитлар ҳисобидан
20,0 трлн сўм

73,5 %
Республика бюджети ҳисобидан
13,3 трлн сўм

113,4 %
Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан
1,6 трлн сўм

195,5 %
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан
2,0 трлн сўм

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича энг юқори кўрсаткичлар ва ўсиш суръатлари Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобига тўғри келиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 195,5 % ни ташкил этди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун, % да)

Асосий капиталга инвестициялар – янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради.

Сўнгги беш йилдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, у деярли икки мартага кўпайиб, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми динамикаси

(январь-сентябрь ойлари учун, трлн сўм)

***** *2023 йил учун аниқлаштирилган йиллик маълумот асосида қайта ҳисобланган.*

Сўнгги беш йил ичида ўсиш суръатларини кўрадиган бўлсак, улар ўсиб бориш тенденциясига эга: 2021-2022 йилларда 103,3-103,9 % атрофида ўсиш кузатилган бўлса, сўнгги икки йилда юқори ўсиш суръатлари – 118,9 ва 131,0 % кузатилмоқда.

Асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари динамикаси

(январь-сентябрь ойлари учун, % да)

** 2023 йил учун аниқлаштирилган йиллик маълумот асосида қайта ҳисобланган.*

Асосий капиталга инвестицияларнинг таркибида 75,2 % ёки 258,0 трлн сўм инвестициялар жалб қилинган маблағлар (Республика бюджети, мақсадли жамғармалар, хорижий инвестиция ва кредитлар, маҳалий банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари) ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 24,8 % ёки 85,1 трлн сўм молиялаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун, % да)



2024 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича инвестиция статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 3 730 та йирик корхона ва 2 297 та кичик бизнес субъектлари томонидан ҳисоботлар қабул қилинди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 % пунктга камайиб, 10,8 % ни ёки 36,9 трлн сўмни ташкил этди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 306,2 трлн сўм ёки жами инвестицияларнинг 89,2 % и ўзлаштирилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 % пунктга кўпайди.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар таркиби

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун, % да)



Статистик таҳлилни ўтказиш мақсадларида асосий капиталга инвестициялар қуйидаги асосий кесимларда шаклланади: қўйилма турлари, технологик, такрор ишлаб чиқариш таркиблари, иқтисодий фаолият турлари, молиялаштириш манбалари бўйича.

Охирги 5 йилга назар ташласак, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилаётган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши камайиб бораётганини кўриш мумкин.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестицияларнинг улушлари динамикаси

(январь-сентябрь ойлари учун, % да)



* *2023 йил учун аниқлаштирилган йиллик маълумот асосида қайта ҳисобланган.*

2024 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан 20,0 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 139,6 % ни ташкил этди. Уларнинг жами ҳажмидаги улуши 5,8 % даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳаларига қуйидагиларни келтириш мумкин
(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

- Қашқадарё вилоятида Толимаржон иссиқлик электр станциясини умумий қуввати 900 МВт дан кам бўлмаган навбатдаги икки дона буғ-газ қурилмасини қуриш билан кенгайтириш
- Навоий вилоятида Навоий иссиқлик электр станциясида электр энергияси 600 МВт ва иссиқлик энергияси 200 ГКал қувватли учинчи буғ-газ қурилмасини қуриш
- Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш
- Тошкент шаҳрида олимпия шаҳарчасини барпо этиш

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2,0 трлн сўмни (доллар эквивалентида 162,7 млн АҚШ доллари) ва жами инвестициялардаги улуши 0,6 % ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича Республика бюджетидан молиялаштириладиган инфраструктура, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 13,3 трлн сўмни ёки жами инвестицияларнинг 3,9 % ини ташкил этди. Шунингдек, Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан инвестициялар ҳажми 1,6 трлн сўмни ёки жами инвестициялар 0,5 % ини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган инвестиция лойиҳалари
(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

01 Тошкент вилоятида тоғ-кон махсус техникаларини сотиб олиш

02 Тошкент вилоятида қуюв прокатлаш мажмуасини қуришни ташкил этиш

Асосий капиталга инвестицияларнинг статистик ҳисоби, қўшимча қиймат солиғини қўшган ҳолда, ҳисобот даврида амалдаги нархларда, тўлов амалга оширилган пайтдан қатъи назар, ҳақиқатда ўзлаштирилган ҳажм миқдорида амалга оширилади.

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари таркибида энг катта улуш кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳиссасига тўғри келиб, улар ҳисобидан 112,1 трлн сўм ёки улуши 32,7 % га тенг инвестициялар ўзлаштирилди.

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар таркиби

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун, % да)

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестицияларнинг улуши охирги 5 йилда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2020 йилдаги 77,8 % улушдан 2024 йил январь-сентябрига келиб 89,2 % га етди.

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестицияларнинг улушлари динамикаси

(январь-сентябрь ойлари учун, % да)



***** *2023 йил учун аниқлаштирилган йиллик маълумот асосида қайта ҳисобланган.*

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар – 62,4 трлн сўм ёки жами инвестицияларнинг 18,2 % ини ташкил этди.

Бевосита тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган инвестициялардан Ўзбекистон Республикаси бўйича 100,9 трлн сўм, ёки жами инвестициялардаги улуши 29,4 % га тенг инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми тўғридан-тўғри, кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан инвестицияларга тўғри келиб, уларнинг улуши 62,1 % ни ташкил этди.

Асосий капиталга хорижий инвестициялар таркиби

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун, % да)



Тўғридан-тўғри ва кафолатланмаган хорижий кредитлар ҳисобидан қуйидаги йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

1. *Бухоро вилоятида MTO (methanol to olefin) технологияси асосида газ-кимё мажмуасини қуриш*
2. *Сурхондарё вилоятида газ-кимё мажмуасини қуриш*
3. *Тошкент вилоятида қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш*
4. *Қорақалпоғистон Республикасида Тебинбулоқ темир руда конини ишлаб чиқиш ва металлургия мажмуасини қуриш (1-босқич)*
5. *Бухоро вилоятида қуввати 500 МВт бўлган қуёш электр станциясини қуриш*
6. *Бухоро вилояти Ғиждувон туманида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш*
7. *Қашқадарё вилоятида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш*
8. *Бухоро вилояти Пешку туманида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш*

Шунингдек, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган 8,1 трлн сўм (жами асосий капиталга инвестицияларнинг 2,3 % и) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Аҳоли маблағлари ҳисобидан жами асосий капиталга инвестицияларнинг 6,6 % и ёки 22,7 трлн сўм ўзлаштирилди. Аҳоли маблағлари ҳисобидан асосан уй-жойлар қуриш соҳасида инвестиция фаолияти амалга оширилган.

Асосий капиталга инвестициялар **иқтисодий фаолият турлари бўйича** амалдаги фаолият турлари таснифлагичи ИФУТ-2 га асосан тақсимланади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркибининг ҳажми ва улуши
(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида ишлаб чиқариш саноати етакчилик қилмоқда. Амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари натижасида ушбу иқтисодий фаолият турида жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 100,0 трлн сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 29,1 % и ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркибининг ҳажми ва улуши (давоми)

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

- Бухоро вилоятида MTO (methanol to olefin) технологияси асосида газ-кимё мажмуаси қурилиши;
- Навоий тоғ-металлургия комбинатида асосий ва қўшимча ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуроллантириш;
- Андижон вилоятида цемент ишлаб чиқаришини ташкил этиш, пахтани қайта ишловчи машина ускуналарни модернизация қилиш;
- Самарқанд вилоятида мукаммал минерал ўғитларни ишлаб чиқариш кимё мажмуаси қурилиши;

Соғлиқни сақлаш ва таълим фаолиятларида мос равишда 9,4 (жами инвестицияларнинг 2,8 % и) ва 5,3 трлн сўм (1,5 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Ижтимоий соҳадаги энг муҳим фаолиятлардан бири бу турар-жой қурилиши ҳисобланади. Ушбу фаолият тури бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 25,2 трлн сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 7,3 % ни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар 22,9 трлн сўм ёки ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 6,7 % ини ташкил этди.

Электр ва газ билан таъминлаш фаолияти тури бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 49,3 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, улар умумий ҳажмнинг 14,4 % ини ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида жами 48,7 трлн сўм ёки республика бўйича жами инвестициялар ҳажмининг 14,2 % и ўзлаштирилган бўлиб, унинг таркибидан 5,8 % и ёки 20,1 трлн сўми хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш соҳасига тегишлидир.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳудудий таркибида энг юқори кўрсаткичлар Жиззах вилоятида – ҳудуддаги жами инвестицияларнинг – 5,7 % ини, Самарқанд вилояти – 5,6 % ва Қорақалпоғистон Республикасида – 5,6 % миқдорида кузатилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми
(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Жами инвестициялар, млрд сўм	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича: (жамига нисбатан, % да)						
		Республика бюджети	корхона ва ташкилотлар маблағи	аҳоли маблағи	хорижий инвестиция ва кредитлар	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	тижорат банки кредитлари ва бошқа қарз маблағлари
Ўзбекистон Республикаси[1)]	**343 085,9**	**3,9**	**18,2**	**6,6**	**67,9**	**0,5**	**0,6**	**2,3**
Қорақалпоғистон Республикаси	14 307,2	5,6	10,2	7,7	72,9	0,5	-	3,1
вилоятлар:								
Андижон	19 161,4	3,7	11,9	8,9	73,3	0,3	0,4	1,5
Бухоро	35 342,9	1,4	7,2	6,5	83,8	0,1	-	1,0
Жиззах	17 389,3	5,7	11,3	4,1	75,7	0,7	1,0	1,5
Қашқадарё	24 399,6	4,4	9,8	7,3	77,5	0,1	-	0,9
Навоий	23 429,8	1,2	12,2	6,1	79,2	-	-	1,3
Наманган	30 716,0	1,9	12,6	6,6	77,9	-	-	1,0
Самарқанд	21 128,4	5,6	31,4	4,7	52,2	1,1	2,0	3,0
Сурхондарё	13 928,7	5,2	5,8	11,8	73,5	1,7	0,3	1,7
Сирдарё	8 731,4	5,0	12,7	2,7	76,4	0,9	-	2,3
Тошкент	50 427,9	3,2	15,4	6,9	68,9	0,8	2,1	2,7
Фарғона	16 607,4	5,3	17,5	11,0	60,3	1,2	-	4,7
Хоразм	8 865,1	3,3	16,5	20,0	56,5	1,5	0,4	1,8
Тошкент ш.	58 139,9	5,0	41,5	3,0	45,8	-	0,4	4,3

Корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан инвестициялар бўйича энг юқори улуш Тошкент шаҳрида кузатилиб, бу ҳудудда ўзлаштирилган инвестицияларнинг 41,5 % ини ташкил этди. Шунингдек, Самарқанд вилоятида 31,4 % ва Фарғона вилоятида 17,5 % ни ташкил этди.

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

Жалб қилинган молиялаштириш манбалари таркибида хорижий инвестиция ва кредитлар алоҳида ўринга эга. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами инвестициялардаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткичлар Бухоро – 83,8 %, Навоий – 79,2 % ва Наманган – 77,9 % вилоятларида кузатилди.

Ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиши бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан энг юқори ўсиш суръати 200,6 % ни ташкил этиб, Наманган вилоятида кузатилди. Ушбу натижани пахтани қайта ишлаш машина ва ускуналарини модернизация қилиш, Поп туманида қуввати 500 МВат бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши, замонавий савдо мажмуаси ва бизнес марказини ташкил этиш каби йирик инвестиция лойиҳаларига инвестицияларни ўзлаштириш билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида ҳам юқори ўсиш суръати кузатилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 160,6 % ни ташкил қилди. Бу ҳудудда қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши, Таллимаржон ҳудудида қуввати 400 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилиши каби йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ҳажм ва ўсиш суръати

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	*Ўсиш суръати, % да*
Ўзбекистон Республикаси[1)]	**343 085,9**	**131,0**
Қорақалпоғистон Республикаси	14 307,2	156,4
вилоятлар:		
Андижон	19 161,4	129,4
Бухоро	35 342,9	144,5
Жиззах	17 389,3	150,5
Қашқадарё	24 399,6	160,6
Навоий	23 429,8	129,1
Наманган	30 716,0	200,6
Самарқанд	21 128,4	101,3
Сурхондарё	13 928,7	107,1
Сирдарё	8 731,4	76,7
Тошкент	50 427,9	145,5
Фарғона	16 607,4	108,0
Хоразм	8 865,1	112,6
Тошкент ш.	58 139,9	118,4

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

Жиззах вилоятида асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 50,5 % га ўсиши, аввaламбор автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2 босқич) ва қуввати 550 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилиши билан боғлиқ.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 58,0 % и республиканинг беш ҳудудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 16,9 %, Тошкент вилоятида – 14,7 %, Бухоро вилоятида – 10,3 %, Наманган вилоятида – 9,0 % ҳамда Қашқадарё вилоятида – 7,1 % инвестициялар ўзлаштирилди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида –21 642,2 минг сўм (ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан таққослаганда – 126,8 %), Тошкент шаҳрида – 18 949,8 минг сўм (ёки 115,4 %) ва Бухоро вилоятида –17 188,5 минг сўм (ёки 142,1 %) миқдорида қайд этилди.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга инвестициялар
(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Ҳажми, минг сўм	*Ўсиш суръати, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**9 253,2**	**128,3**
Қорақалпоғистон Республикаси	7 108,8	154,3
вилоятлар:		
Андижон	5 602,8	126,8
Бухоро	17 188,5	142,1
Жиззах	11 448,6	147,3
Қашқадарё	6 797,5	157,2
Навоий	21 642,2	126,8
Наманган	9 938,2	196,2
Самарқанд	4 980,9	99,2
Сурхондарё	4 798,9	104,5
Сирдарё	9 486,5	75,3
Тошкент	16 408,4	142,7
Фарғона	4 057,9	105,8
Хоразм	4 414,2	110,5
Тошкент ш.	18 949,8	115,4

Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида машина, ускуна ва инвентарларга 167,1 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 48,7 % ини ташкил этди, қурилиш-монтаж ишлари бўйича 143,4 трлн сўм (жами инвестициялардаги улуши 41,8 %) ва бошқа харажатларга 32,6 трлн сўм (9,5 %) ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун, % да)



Ҳудудлар кесимида жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмида қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Хоразм вилоятида кузатилди – 69,0 % ёки 6,1 трлн сўм.

Қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг қуйи даража Навоий вилоятида кузатилиб, 32,2 % ни ёки 7,5 трлн сўмни ташкил этди. Жиззах вилоятида машина, ускуналар ва инвентарларга харажатлар бўйича энг юқори кўрсаткич – 59,0 % ёки 10,3 трлн сўмни ташкил этди.

Қурилиш-монтаж ишларига инвестициялар улушини 2020 йил билан солиштирсак, жорий даврда бир оз камайганини, яъни 42,3 % дан 41,8 % га, машина, ускуна ва инвентарга инвестициялар улуши 50,7 % дан 48,7 % га тушганини кўриш мумкин.

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби динамикаси

(январь-сентябрь ойлари учун, % да)



** 2023 йил учун аниқлаштирилган йиллик маълумот асосида қайта ҳисобланган.*

Жорий ҳисобот даврида янги қурилишга йўналтирилган асосий капиталга инвестициялар 212,5 трлн сўмга етди ҳамда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 61,9 % ини ташкил этди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби
(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун, % да)



2024 йил январь-сентябрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг кенгайтириш, реконструкция ва модернизацияга инвестициялар улуши бўйича юқори натижалар Андижон – 39,7 % (7,6 трлн сўм), Қашқадарё – 37,0 % (9,0 трлн сўм), Самарқанд – 30,2 % (6,4 трлн сўм) ва Фарғона – 27,2 % (4,5 трлн сўм) вилоятларида кузатилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби
(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Жами асосий капиталга инвестициялар, трлн сўм	Жамига нисбатан % да:		
		янги қурилиш	кенгайтириш, реконструкция, модернизация	бошқа йўналишлар
Ўзбекистон Республикаси [1]	**343,1**	**61,9**	**22,6**	**15,5**
Қорақалпоғистон Республикаси	14,3	64,6	25,0	10,4
вилоятлар:				
Андижон	19,2	52,3	39,7	8,0
Бухоро	35,3	74,0	19,1	6,9
Жиззах	17,4	59,2	18,9	21,9
Қашқадарё	24,4	54,2	37,0	8,8
Навоий	23,4	67,3	22,5	10,2
Наманган	30,7	68,7	20,2	11,1
Самарқанд	21,1	38,0	30,2	31,8
Сурхондарё	13,9	78,3	16,7	5,0
Сирдарё	8,7	72,2	12,8	15,0
Тошкент	50,4	74,8	14,9	10,3
Фарғона	16,6	61,9	27,2	10,9
Хоразм	8,9	68,6	12,3	19,1
Тошкент ш.	58,1	46,2	21,8	32,0

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

Иқтисодиётда мавжуд объектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга йўналтирилган инвестициялар 77,4 трлн сўмни ташкил этди ва республикадаги жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 22,6 % ини ташкил этди. Қолган 15,5 %, яъни 53,2 трлн сўм бошқа харажатларга йўналтирилди.

Янги қурилишга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши бўйича юқори кўрсаткич, қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ва қуввати 334 МВт бўлган электр энергиясини жамловчи тизим қурилиши, "Ёшлик" конини ўзлаштириш лойиҳалари бўйича ўзлаштирилган инвестициялар натижасида Тошкент вилоятида кузатилиб, у 74,8 % ни ташкил этди.

2-БЎЛИМ. АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ВА КРЕДИТЛАР

2024 йил январь-сентябрь ойларида жами 233,0 трлн сўм (доллар эквивалентида 18,5 млрд АҚШ долл.) ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 159,0 % га тенг асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 67,9 % ни ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан жорий даврда 213,0 трлн сўм ўзлаштирилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида 20,0 трлн сўм хорижий кредитлар ўзлаштирилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитларнинг жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмидаги улуши мос равишда 91,4 % ва 8,6 % ни ташкил этди.

Ўз навбатида, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 100,9 трлн сўм ёки жамига нисбатан 43,3 % ни, бошқа инвестиция ва кафолатланмаган хорижий кредитлар 112,1 трлн сўмни ёки жамига нисбатан 48,1 % ни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми
(2024 йил январь-сентябрь ойларида, % да)



Хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 118,8 трлн сўмни ёки жамига нисбатан 51,0 % ни ва мос равишда хорижий кредитлар 104,2 трлн сўмни ёки 49,0 % ни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун, % да)



Ҳудудлар кесимида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар энг кўп ўзлаштириш Бухоро вилоятида 16,6 трлн сўм, Тошкент вилоятида 12,6 трлн сўм ва Тошкент шаҳрида 10,7 трлн сўм қайд этилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Жами, трлн сўм	Шу жумладан:		
		тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Ўз.Р. кафолати остида хорижий кредитлар	бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар
Ўзбекистон Республикаси	**233,0**	**100,9**	**20,0**	**112,1**
Қорақалпоғистон Республикаси	10,4	1,8	0,8	7,8
вилоятлар:				
Андижон	14,0	7,8	0,2	6,0
Бухоро	29,6	16,6	1,3	11,7
Жиззах	13,2	7,7	0,4	5,1
Қашқадарё	18,9	6,3	2,4	10,2
Навоий	18,6	6,4	1,8	10,4
Наманган	24,0	7,9	0,6	15,5
Самарқанд	11,0	4,5	1,0	5,5
Сурхондарё	10,3	5,3	1,2	3,8
Сирдарё	6,7	4,8	0,1	1,8
Тошкент	34,7	12,6	2,4	19,7
Фарғона	10,0	7,3	0,2	2,5
Хоразм	5,0	1,2	0,3	3,5
Тошкент ш.	26,6	10,7	7,3	8,6

2024 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш саноатида хорижий инвестиция ва кредитлар салмоқли ўзлаштирилиб, 81,5 трлн сўмни ёки жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 35,0 % ини ташкил этди.

Электр ва газ билан таъминлаш фаолият турида бу кўрсаткич 46,9 трлн сўмни ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 20,1 % ини қайд этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби, жамига нисбатан улуши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун, % да)



3-БЎЛИМ. ИЖТИМОИЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий майдони 10 878,6 минг кв.м турар жой ишга туширилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 103,0 % ни ташкил этди.

2024 йил январь-сентябрь ойларида турар жой қурилишида жами 18 411,2 млрд сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, республика бюджети маблағлари ҳисобидан 65,4 млрд сўм, корхоналарнинг ўз маблағлари – 30,9 млрд сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 16 766,5 млрд сўм ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1 536,7 млрд сўмни ташкил этди.

Фойдаланишга топширилган турар-жой қурилиш майдони
(январь-сентябрь ойлари учун, минг кв. м)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича жами 576,2 км сув тармоғи ишга туширилди. Таъкидлаш жоизки, ишга туширилган сув тармоқларининг 69,0 % и ёки 397,6 км қишлоқ жойларда жойлашган.

Ишга туширилган сув тармоқлари узунлиги
(январь-сентябрь ойлари учун, км)

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 23,0 км, шу жумладан 12,7 км қишлоқ жойларда узунликдаги газ тармоғи ишга туширилди.

Ишга туширилган газ тармоқлари узунлиги
(январь-сентябрь ойлари учун, км)



Сув тармоғи қурилишида жами 544,7 млрд сўм, газ тармоқлари қурилишида 967,6 млн сўм инвестициялар ўзлаштирилди.

Ҳудудлар кесимида энг кўп хонадон Наманган вилоятида 6 525 та, Тошкент вилоятида 5 175 та ва Сурхондарё вилоятида 4 593 та ишга туширилди.

Ишга туширилган турар-жойлар

(2024 йил январь-сентябрь ойларида)

	Хонадонлар сони, бирлик	*Майдони, минг кв.м*
Ўзбекистон Республикаси	**48 376**	**10 878,6**
Қорақалпоғистон Республикаси	3 709	660,3
вилоятлар:		
Андижон	4 218	1 089,2
Бухоро	4 237	1 191,6
Жиззах	1 551	393,8
Қашқадарё	3 042	673,1
Навоий	1 605	533,6
Наманган	6 525	995,4
Самарқанд	2 117	266,6
Сурхондарё	4 593	959,7
Сирдарё	411	89,8
Тошкент	5 175	1 453,7
Фарғона	3 991	1 073,1
Хоразм	3 093	892,2
Тошкент ш.	4 016	601,1

4- БЎЛИМ. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 167,1 трлн сўм қурилиш ишлари бажарилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 9,1 % га ўсди.

Қурилиш ишларининг ҳажми динамикаси
(январь-сентябрь ойлари учун, трлн сўм)

***** *2023 йил учун аниқлаштирилган йиллик маълумот асосида қайта ҳисобланган.*

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

- бинолар ва иншоотлар қуриш йўналиши 72,0 % улушни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 108,6 % ни ташкил этди;
- фуқаролик объектларини қуриш йўналиши 18,8 % улушни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 112,5 % ни ташкил этди;
- ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши 9,2 % улушни ва 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 106,4 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари таркиби
(2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун, ҳажми ва улуши)



Амалдаги статистик кузатув шаклларида 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (маҳсулот, иш, хизмат) статистик таснифлагичи (МСТ)”га мувофиқ “Қурилиш” фаолияти тури бўйича ўз кучи билан амалга оширилган ишлар ҳажми” кўрсаткичи қўлланилади.

2024 йил январь-сентябрь ойларида бажарилган қурилиш ишларининг катта қисми янги бино ва иншоотларни қуришга тегишли. Жами қурилиш ишларининг 74,2 % и ёки 124,0 трлн сўм қурилиш ишлари айнан иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш қувватлари, турар-жой ва бошқа ижтимоий объектларни яратишга қаратилган.

Умумий ҳажмдан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта қуроллантириш ишлари улуши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида, % да)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида янги қурилиш ишлари бўйича юқори ҳажм, Тошкент шаҳри (29 281,8 млрд сўм), Тошкент вилояти (9 528,7 млрд сўм), Бухоро вилояти (8 755,6 млрд сўм) ва Фарғона вилоятида (8 580,8 млрд сўм) қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида янги қурилиш ишлари ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта қуроллантириш, млрд сўмда	*Жами ҳажмдаги улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси[1)]	**123 996,8**	**74,2**
Қорақалпоғистон Республикаси	4 942,1	79,2
вилоятлар:		
Андижон	6 196,8	73,4
Бухоро	8 755,6	75,2
Жиззах	3 731,4	81,7
Қашқадарё	7 368,2	71,0
Навоий	7 115,2	81,4
Наманган	6 849,7	80,0
Самарқанд	7 710,1	79,7
Сурхондарё	6 645,6	78,1
Сирдарё	2 324,1	73,4
Тошкент	9 528,7	54,7
Фарғона	8 580,8	76,3
Хоразм	6 246,3	88,0
Тошкент ш.	29 281,8	68,6

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида, улуши % да)

Бино ва иншоотларни қуриш фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуши Жиззах вилояти (ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 78,6 % и), Наманган вилояти (78,5 %) ва Навоий вилояти 77,4 %)да кузатилди.

Ҳудудлар кесимида бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Бино ва иншоотлар қурилиши, млрд сўмда	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси[1)]	**120 252,3**	**72,0**
Қорақалпоғистон Республикаси	4 712,6	75,5
вилоятлар:		
Андижон	6 415,6	76,0
Бухоро	7 718,3	66,3
Жиззах	3 593,5	78,6
Қашқадарё	7 928,4	76,4
Навоий	6 762,6	77,4
Наманган	6 724,9	78,5
Самарқанд	3 888,2	40,2
Сурхондарё	6 445,7	75,8
Сирдарё	2 125,1	67,1
Тошкент	12 200,1	70,1
Фарғона	8 336,2	74,2
Хоразм	5 381,8	75,8
Тошкент ш.	29 298,8	68,6

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

Фуқаролик объектлари қурилиши

Фуқаролик объектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 32,7 % ни ташкил этди ва 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 6,8 % пунктга кўпайди. Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар улуши мос равишда 67,2 % ни (6,8 % пунктга камайди) ташкил этди.

Фуқаролик объектларини қуриш фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуши Самарқанд вилояти (ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 55,5 % и), Сирдарё вилояти (27,0 %) ва Бухоро вилояти (24,1 %)да кузатилди.

Ҳудудлар кесимида фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Фуқаролик объектлари қурилиши, млрд сўм	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**31 412,6**	**18,8**
Қорақалпоғистон Республикаси	1 197,8	19,2
вилоятлар:		
Андижон	1 372,8	16,3
Бухоро	2 804,3	24,1
Жиззах	684,7	15,0
Қашқадарё	1 187,3	11,5
Навоий	1 493,8	17,1
Наманган	720,5	8,4
Самарқанд	5 372,6	55,5
Сурхондарё	1 569,3	18,5
Сирдарё	853,7	27,0
Тошкент	3 070,7	17,6
Фарғона	2 335,0	20,8
Хоразм	1 465,8	20,7
Тошкент ш.	7 284,1	17,0

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари сайқаллаш, сувоқчилик, бўёқчилик ишлари, поллар ва деворларни плитка билан қоплаш ёки паркет, ковролан, гулқоғозлар билан қоплаш, шунингдек, полларни циклёвкалаш, дурадгорлик ишлари, овоз изоляциялаш ишлари, ташқи ҳудудларни тозалаш каби безатишга алоқадор ишларни ўз ичига олади.

Ихтисослашган қурилиш ишлари таркиби

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида, % да)



Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 14,4 % и), Наманган вилояти (13,1 %) ва Тошкент вилоятида (12,3 %) кузатилди.

Ҳудудлар кесимида ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари, млрд сўм	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**15 436,4**	**9,2**
Қорақалпоғистон Республикаси	331,6	5,3
вилоятлар:		
Андижон	651,1	7,7
Бухоро	1 115,5	9,6
Жиззах	291,6	6,4
Қашқадарё	1 257,0	12,1
Навоий	482,5	5,5
Наманган	1 121,6	13,1
Самарқанд	412,9	4,3
Сурхондарё	488,9	5,7
Сирдарё	186,3	5,9
Тошкент	2 148,5	12,3
Фарғона	569,1	5,0
Хоразм	247,7	3,5
Тошкент ш.	6 132,3	14,4

Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 40 823,7 млрд сўмни ташкил этди. Кўриб чиқилаётган даврда қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 124,2 % ни ва уларнинг умумий ҳажмдаги улуши 3,0 % га кўпайиб, 24,4 % ни ташкил этди.

Корхона турлари бўйича қурилиш ишлари

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида, млрд сўмда)



Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги энг кўп улуши Тошкент шаҳрида (ҳududдаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 32,8 % и), Қашқадарё вилоятида (30,7 %) ва Навоий вилоятида (29,7 %) қайд этилди.

Қурилиш ишлари ҳажмида йирик ташкилотлар ҳажми ва жами ҳududдаги улуши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**40 823,7**	**24,4**
Қорақалпоғистон Республикаси	811,8	13,0
вилоятлар:		
Андижон	536,1	6,4
Бухоро	1 571,6	13,5
Жиззах	485,8	10,6
Қашқадарё	3 186,3	30,7
Навоий	2 591,1	29,7
Наманган	584,2	6,8
Самарқанд	1 392,8	14,4
Сурхондарё	799,7	9,4
Сирдарё	490,4	15,5
Тошкент	2 915,0	16,7
Фарғона	2 005,1	17,9
Хоразм	741,6	10,4
Тошкент ш.	13 991,9	32,8

2024 йилнинг январ-сентябрь ойларида кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 48,1 % и тўғри келиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 2,0 % пунктга камайди. Шунингдек, улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 % ни ташкил этган ҳолда 80 407,6 млрд сўм миқдорида қайд этилди.

Кўриб чиқилаётган даврда кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг энг катта улуши Самарқанд (ҳududдаги жами қурилиш ишларининг 71,9 % и), Сирдарё (67,6 %) ва Жиззах вилоятларига (63,9 %) тўғри келди.

Қурилиш ишлари ҳажмида кичик корхона ва микрофирмалар ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**80 407,6**	**48,1**
Қорақалпоғистон Республикаси	3 360,4	53,8
вилоятлар:		
Андижон	4 493,3	53,2
Бухоро	5 319,3	45,7
Жиззах	2 918,7	63,9
Қашқадарё	4 337,6	41,8
Навоий	3 140,0	35,9
Наманган	3 800,3	44,4
Самарқанд	6 960,0	71,9
Сурхондарё	4 566,1	53,7
Сирдарё	2 138,6	67,6
Тошкент	7 406,6	42,5
Фарғона	5 713,3	50,8
Хоразм	2 714,3	38,3
Тошкент ш.	23 539,1	55,1

Норасмий секторда қурилиш ишларининг улуши 27,5 % ни ёки 45 869,9 млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 105,2 % ни ташкил этди.

Шунингдек, норасмий секторда бажарилган қурилиш ишларининг умумий ҳажмидан 35 419,4 млрд сўми якка тартибдаги уй-жой қурилишига тўғри келиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 109,8 % ни, жисмоний шахслар томонидан нотурар-жойлар қурилиши 4 520,4 млрд сўмни ва 84,4 % ни, якка тартибдаги турар-жойларни таъмирлаш ишлари 5 930,1 млрд сўмни ва 98,7 % ни ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган даврда норасмий сектор томонидан бажарилган қурилиш ишларининг ҳудудлар бўйича таркиби таҳлил қилинадиган бўлса, энг катта ҳажми Тошкент вилоятида (7 097,7 млрд сўм ёки ҳудудда бажарилган жами қурилиш ишлари ҳажмининг 40,8 % и), Тошкент шаҳрида (5 184,3 млрд сўм ёки 12,1 %) ва Бухоро вилоятида (4 747,2 млрд сўм ёки 40,8 %) қайд этилганлигини кўриш мумкин.

Қурилиш ишлари ҳажмида норасмий сектор ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**45 869,9**	**27,5**
Қорақалпоғистон Республикаси	2 069,9	33,2
вилоятлар:		
Андижон	3 410,1	40,4
Бухоро	4 747,2	40,8
Жиззах	1 165,3	25,5
Қашқадарё	2 848,8	27,5
Навоий	3 007,8	34,4
Наманган	4 182,5	48,8
Самарқанд	1 320,8	13,7
Сурхондарё	3 138,1	36,9
Сирдарё	536,1	16,9
Тошкент	7 097,7	40,8
Фарғона	3 521,8	31,3
Хоразм	3 639,4	51,3
Тошкент ш.	5 184,3	12,1

Давлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан жами 4 686,1 млрд сўм қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан эса 162 415,1 млрд сўм қурилиш ишлари бажарилди. Уларнинг республикадаги улуши мос равишда 2,8 % ва 97,2 % ни ташкил этди.

Давлат мулкчилигидаги корхона ва ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмида энг юқори улуш Жиззах вилоятида (ушбу вилоятдаги қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 5,0 % и), Андижон вилоятида (4,4 %) ва Самарқанд вилоятида (4,4 %) қайд этилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари

(2024 йил январь-сентябрь ойларида, % да)

2,8 — Давлат мулки **4,7 трлн сўм**

97,2 — Нодавлат мулк **162,4 трлн сўм**

Хўжалик усулида бажарилган ишлар ҳажми қурилиш эгаси томонидан ҳисобот даврида қурилиш ишларига сарфланган харажатларидан келиб чиқиб аниқланади.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига қурилиш ишлари

(2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида)

	Аҳоли жон бошига қурилиш ишлари, минг сўм	*Ўсиш суръати, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**4 506,8**	**106,9**
Қорақалпоғистон Республикаси	3 101,5	105,8
вилоятлар:		
Андижон	2 467,7	103,9
Бухоро	5 660,0	107,4
Жиззах	3 008,6	106,6
Қашқадарё	2 889,7	108,1
Навоий	8 072,1	114,1
Наманган	2 771,9	107,1
Самарқанд	2 280,5	107,9
Сурхондарё	2 929,9	107,0
Сирдарё	3 438,8	102,2
Тошкент	5 667,9	113,2
Фарғона	2 746,5	107,3
Хоразм	3 533,0	106,1
Тошкент ш.	13 922,4	108,8

Ҳудудлар кесимида 2024 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига қурилиш ишлари ҳажми бўйича биринчи ўринни Тошкент шаҳри 13 922,4 минг сўм (ёки, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 108,8 %) кўрсаткич билан эгаллади, ундан кейинги ўринларни мос равишда Навоий вилояти – 8 072,1 минг сўм (114,1 %), Бухоро вилояти – 5 660,0 минг сўм (107,4 %), Тошкент вилояти – 5 667,9 минг сўм (113,2 %) кўрсаткич билан эгаллади.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Номолиявий активларга киритилган инвестициялар бу – реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, капитал таъмирлашга харажатлар, номоддий активларга киритилган инвестициялар (патентлар, лицензиялар, дастурий маҳсулотлар, ер майдонларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқалар).

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларга барча турдаги қурилиш ишларига қилинган харажатлар; асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар; машина, асбоб-ускуналар (монтаж талаб этиладиган ва талаб этилмайдиган), транспорт воситалари, жиҳоз ва хўжалик инвентарини сотиб олиш; бошқа капитал ишлар ва харажатлар киради. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, илгари бошқа ташкилотларнинг асосий фондларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари)ни сотиб олишга қилинган харажатларсиз келтирилган.

Чет эл инвестициялари – асосан келгусида фойда олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капитали.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бу – корхонага тўлиқ эгалик қилувчи ёки корхона акционерлик капиталининг 10 % дан кам бўлмаган қисмини назорат қилувчи, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқиги эга бўлган, тўғридан-тўғри хорижий инвестор юридик ёки жисмоний шахс томонидан киритилган инвестициялар.

Инвесторлар – юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, қарорларни қабул қилувчи ва ўз маблағлари, қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағларни инвестиция кўринишида инвестицион лойиҳаларга киритишни амалга оширувчи ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаб берувчи инвестицион фаолият субъектлари ҳисобланади.

Буюртмачилар – инвестицион жараённинг қатнашчилари. Буюртмачи сифатида инвесторнинг ўзи, шунингдек, инвестор томонидан амалдаги корхоналарни, биноларни, иншоотларни янги қурилиши, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришни амалга оширишлари учун вакил этиб тайинланган жисмоний ва юридик шахслар фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу билан бирга буюртмачи инвестицион жараён қатнашчиларининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятига, агарда улар орасидаги шартномада назарда тутилмаган бўлса, аралашмасликлари лозим.

Пудратчи – капитал қурилиш учун пудрат шартномаси асосида бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш ҳамда технологик ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, созлаш ва бошқа пудрат ишларини бажариш билан шуғулланади.